



**ИСПАН ТИЛИ БИЛИМДОНИ
филология фанлари номзоди, доцент
Комилжон АБДУЛЛАЕВ – 70 ёшда**

Тил билган – эл билади, деган нақл бор халқимизда. Бу бежиз айтилмаган Чунки она тили билан бирга, хорижий тилни билган киши юрт кезади, ўрганган тилида сўзлашувчи давлатларнинг, халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатларидан кўпроқ хабардор бўлади. Шу билан бирга, хорижий тилни биладиган мутахассис икки ва ундан ортиқ давлатлар, миллатлар ўртасида турли соҳада бўладиган муносабатларда воситачи вазифасини бажаради. Ёшларга хорижий тилни ўргатиш эса мутахассиснинг заммасига янада жиддийроқ масъулият юклайди. Чунки хорижий тилни ўргатишда, унинг қонуниятлари, меъёрларига амал қилиш билан бирга, хорижий тилда сўзлашувчи мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, ўзига хослигини ҳам ҳисобга олиши зарур. Бу эса педагогдан масъулият билан бирга ўз касбига нисбатан жонкуярлик, фидойиликни талаб қилади. Филология фанлари номзоди, доцент Комилжон Абдуллаев ана шундай – ўз касбининг ҳақиқий устаси, фидойий педагоглардан биридир. Буни у кишининг салкам 50 йиллик педагогик фаолиятини испан тилини ўргатишга бағишлаганида ҳам кўриш мумкин.

Абдуллаев Комилжан Абдуллаевич 1946 йили Хоразм вилояти, Хонқа туманида туғилиб, вояга етган. 1968 йили Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтининг испан тили бўлимига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. Педагогик фаолиятини шу институтда испан тили ўқитувчилигидан бошлади. 1992 йили Москва Давлат Лингвистика университетида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлди. Санк-Петербургда олий педагогика курсида таҳсил олди. ЎзДЖТУда катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, университет Малака ошириш факультети декани лавозимларида фаолият кўрсатди.

К.Абдуллаев кўп йиллик педагогик фаолияти – малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида, кафедра, факультет ва университетнинг илмий-услубий ҳаётида фаол иштирок этиб, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда. Унинг касбий тайёргарлик даражаси юқори, дарсларни ахборот ва янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиб олиб боради,

тил ўрганишнинг долзарб илмий муаммоларига бағишланган мавзуларда битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилади. Шу билан бирга, мамлакатимизда испан тилини ўқитишга илмий-услубий жиҳатдан ҳисса қўшиб, бир қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалар луғатлар, ўқув-услубий мажмуалар, дастурлар яратди. Масалан, 2009 йили “Manual de la lengua española” (Segunda edición), 2010 йили “Literatura española” (Испан адабиёти) дарсликлари, 2013 йили “Испан тили” (1-9-синфлар учун) ўқув фани бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун ишлаб чиққан дастурлари ана шулар жумласидандир.

Комилжон Абдуллаев 2011 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон темир йўллари истиқлол йилларида” номли китобни ўзбек тилидан испан тилига, “АФРОСИЁБ” (Talgo) поездининг йўлга қўйилиши ва у ҳақидаги рисолани испан тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Устознинг педагогик ва илмий фаолияти, айниқса, вазиятни жиддий баҳолаши, беғараз мулоҳаза юритиши, илм аҳли ва шогирдларига нисбатан бағрикенглиги, самимийлиги, қўлдан келганча фақат тўғри йўл кўрсатиши ҳар қандай одамда илиқ таассурот уйғотади. Ёшлардан ёрдамани аямайди, маслаҳатлар беради ва ҳамкасблар билан яхши муносабатда, ўзаро тажриба алмашишдан, ўрганишдан чарчамайди. Комил Абдуллаев ҳақиқий зиёли олим сифатида ўз билимига, касбига, эътиқодига содиқлиги билан эл орасида, ҳамкасблари, маслакдошлари, шогирдлари орасида хурмат- эътиборга сазовор бўлган.

Вақт югурик, бир жойда тўхтаб турмайди. Ёшларга таълим-тарбия бериб, доимо кўнгли ҳам, ўзи ҳам ёш бўлиб юрган устоз Комилжон Абдуллаев бугун 70 ёшда. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг навбатдаги Илмий Кенгашида филология фанлари номзоди, доцент Комилжон Абдуллаевни 70 ёши билан профессор-ўқитувчилар жамоаси номидан университет ректори Ғ.Х. Раҳимов табриклайди. Устознинг кўп йиллар давомидаги салмоқли ва самарали меҳнатини эътироф этилди, диплом ва эсдалик совға тақдим этилди.

Устознинг илмий-педагогик фаолиятига чуқур хурмат, хайрат ва ҳавас билан назар ташлаб, биз ҳам улуғ устоз Комилжон Абдуллаевни табаррук ёши билан муборакбод этамиз, узоқ умр, соғлиқ ва омонлик тилаймиз.

Нагина ИБРАГИМОВА,
Роман-герман филологияси факультетининг
ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари.